


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60712800 - *Авиация инжиниринги (Авиасозлик)*
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат транспорт университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. 60712800 - <i>Авиация инжиниринги (Авиасозлик)</i> бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1. Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1. 60712800 - <i>Авиация инжиниринги (Авиасозлик)</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши	4
1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари	4
1.2. 60712800 - <i>Авиация инжиниринги (Авиасозлик)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1. 60712800 - <i>Авиация инжиниринги (Авиасозлик)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2. 60712800 - <i>Авиация инжиниринги (Авиасозлик)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3. 60712800 - <i>Авиация инжиниринги (Авиасозлик)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4. 60712800 - <i>Авиация инжиниринги (Авиасозлик)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2. 60712800 - <i>Авиация инжиниринги (Авиасозлик)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар	7
2.1. Умумий компетенциялар	7
2.2. Касбий компетенциялар.....	7
Библиографик маълумотлар	9
Келишув варағи.....	10

1. 60712800 - *Авиация инжиниринги (Авиасозлик)* бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

60712800 - *Авиация инжиниринги (Авиасозлик)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60712800 - *Авиация инжиниринги (Авиасозлик)* таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 60712800 - *Авиация инжиниринги (Авиасозлик)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

– бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

– таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

– олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

– кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

– олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60712800 - *Авиация инжиниринги (Авиасозлик)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60712800 - *Авиация инжиниринги (Авиасозлик)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.

60712800 - *Авиация инжиниринги (Авиасозлик)*– “Муҳандислик иши” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, у атмосферада ва ундан ташқари муҳитда йўловчилар ташиш ва юкларни транспортировка қилишга йўналтирилган учиш аппаратларини (УА) яратишга, соҳа истикболини белгилашга, касбий кўникма, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини ўз ичига олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолияти соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар мумкин.

1.2.2. 60712800 - *Авиация инжиниринги (Авиасозлик)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– учиш аппаратлари (самолётлар, вертолётлар, ракетаalar, космик аппаратлар ҳамда атмосфера ва ундан ташқарида ҳаракатланувчи бошқа учиш аппаратлари), уларнинг нормал функциясини таъминловчи техник тизимлар (куч қурилмалари, ҳаёт хавфсизлигини таъминловчи тизимлар, старт ва ер усти тизимлари), ҳамда уларни ишлаб чиқариш технологик жараёнлари.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.

60712800 – *Авиация инжениринги (Авиасозлик)* таълим йўналиши бўйича бакалаврият битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриятнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

1.2.3. 60712800 - Авиация инжениринги (Авиасозлик) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- илмий-тадқиқот;
- лойиҳавий-конструкторлик;
- ишлаб чиқариш-технологик;
- ташкилий-бошқарув.

1.2.4. 60712800 - Авиация инжениринги (Авиасозлик) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60712800 - *Авиация инжениринги (Авиасозлик)* бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- махсус адабиётларни ва бошқа илмий-техник маълумотларни, авиация техникаси ва ишлаб чиқариш технологиялари соҳасидаги маҳаллий ва хорижий фан ва технологияларнинг ютуқларини ўрганиш;

- берилган мавзу бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

- маълумотларга оид шарҳлар, шунингдек техник ҳужжатлар бўйича тақриз, фикр-мулоҳазалар ва хулосаларни тайёрлаш;

- илмий тадқиқотлар олиб боришда, маҳсулотнинг тажрибали намуналарини синовдан ўтказишда, олинган натижаларни қайта ишлаш ва таҳлил қилишда иштирок этиш, улар бўйича техник ҳисоботлар ва тезкор маълумотларни тузиш;

- синов ва назорат қилиш воситаларини, жиҳозларни, лаборатория моделларини лойиҳалаштириш, уларнинг ишлаб чиқарилишини назорат қилиш;

- берилган усул ва услублар бўйича ўтказиладиган тажриба мақсад ва вазифаларини қўйиш ва ўтказиш, лойиҳалашни автоматлаштиришнинг стандартлаштирилган пакетлари асосида математик моделлаштириш усулларини эгаллаган бўлиши;

- интернет тармоғидан энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда қидириб топа олиши;

- учиш аппаратларини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, эксплуатациясини ташкил этиш ва бошқариш соҳасида бажариладиган илмий-текшириш ишларини бажаришда қатнашиш;

- рационализаторлик ва ихтирочилик фаолиятни ривожлантириш бўйича ишни ташкил этиш;

- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:

- автоматлаштирилган лойиҳалаш воситалари ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқиш илғор тажрибалардан фойдаланган ҳолда ўта мураккаб, мураккаб ва ўрта мураккабликдаги маҳсулотларнинг эскиз, техник ва ишчи лойиҳаларини ишлаб чиқади, шу билан бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқилган конструкциянинг техник топшириққа,

стандартларга ва энг тежамкор ишлаб чиқариш технологиялари талабларига мувофиқлигини, шунингдек уларда стандартлаштирилган ва унификация қилинган деталлар ва йиғиш бирликларидан фойдаланишни таъминлаш;

- компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда лойиҳалар учун техник ҳисоб-китобларни амалга оширади, лойиҳалаштирилган конструкциянинг самарадорлиги бўйича техник-иқтисодий ва функционал-иқтисодий таҳлил ўтказди, конструкциялардан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ва бошқа техник ҳужжатлар тайёрлаш;

- ишлаб чиқилган лойиҳаларни корхонанинг бошқа бўлимлари билан мувофиқлаштиради, ишлаб чиқилган лойиҳаларни иқтисодий асослайди

- ишлаб чиқилган техник лойиҳаларни амалга оширишда, техник ёрдам кўрсатишда ва лойиҳалаштирилган маҳсулотлар, объектларни ишлаб чиқариш, синовдан ўтказиш ва фойдаланишга топширишда муаллифилик назоратини амалга оширишда қатнашиш;

- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

- автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш *қобилиятига эга бўлиши керак*.

Ишлаб чиқариш–технологик фаолиятида:

- автоматлаштирилган лойиҳалаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ва илғор технологик жараёнлар, асбоб-ускуналар ва технологик ускуналар, автоматлаштириш ва механизациялаш воситалари, корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва ишларнинг барча турлари учун мақбул ишлаб чиқариш усуллари, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ва уни ишлаб чиқариш учун моддий ва меҳнат харажатларини камайтирилишини таъминлаган ҳолда ишлаб чиқариш;

- ишларни бажариш тартибини ва деталларни ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни йиғиш бўйича операцион маршрутни белгилаш;

- лойиҳалаштирилаётган буюмларнинг тажриба намуналарини стенд ва саноат синовларидан ўтказишда қатнашиш;

- ишлаб чиқариш корхоналарида муҳандис конструктор, технолог, уста, катта уста, цех оператори бўлиб ишлаш, учини аппаратларни ишлаб чиқаришининг технологик жараёнларини бажариш ва бошқариш;

- учини аппаратлари ва уларнинг қисмларини ишлаб чиқариш, йиғиш, синаш, фойдаланишга тайёрлаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича ишларни режалаштириш ва уларни бажариш;

- учини аппаратларида қўлланиладиган материаллар ва конструкцияларнинг сифатини назорат қилиш;

- авиация техникаси маҳсулотлари ва агрегатларидаги аниқланган мос келмасликни излаш ва бартараф этиш бўйича блок-схемаларни тузиш;

- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш, қўллаш, уларни автоматлаштириш ва механизациялаштириш;

- учини аппаратларини лойиҳалаш жараёнлари, норматив-техник ҳужжатлар билан ишлаш қўникмаларига эга бўлиши;

- учини аппаратларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, режалаштириш ва бошқариш ишларини амалга ошириш;

- мавжуд учини аппаратларни жорий ва капитал таъмирлашда машина ва механизмлардан самарали фойдаланиш;

- касбий этика кодексига риоя қилиш *қобилиятларига эга бўлиши керак*.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- материаллар сарфини камайтириш, меҳнат сарфини пасайтириш, меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича

чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

- ихтиролар ва саноат намуналарига патент ва лицензия паспортлари талабномаларини тайёрлашда қатнашиш;

- ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича рационализаторлик таклифларини кўриб чиқиш ва улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосалар бериш;

- режа тузиш, материалларга буюртма бериш учун дастлабки маълумотларни тайёрлаш;

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;

- ишлаб чиқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш механизминини ишлаб чиқиш ва унинг мониторингини олиб бориш;

- учиш аппаратларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришга оид муаммоли ечимларни амалиётга тадбиқ этиш;

- учиш аппаратларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш жамоаси ишини ташкил қилиш;

- учиш аппаратларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш жараёнида ҳар хил фикрларнинг мавжуд бўлганда бошқарув қарорларини қабул қилиш;

- бирламчи ишлаб чиқариш звено ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

- учиш аппаратларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш бўлим ва цехларининг фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажарилишини назорат қилиш ва амалга оширилган ишлар натижаларини баҳолаш;

- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

2. 60712800 - *Авиация инжиниринги (Авиасозлик)* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- ташкилий тузилмаларни оптималлаштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;

- учиш аппаратларини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, синаш ва эксплуатация қилиш замонавий усуллари, ишлаб чиқариш, синаш ва эксплуатация қилиш учун мослама ва, ускуналарни ишлата олиши, ишлаб чиқариш технологиясини билиш ва жараёнларини бажара олиши;

- корпоратив ахборот тизимларини, статистик таҳлил ва ҳисоботларни тайёрлашни, маълумотлар базасини юритишни билиш;

- соҳада бошқарув вазифаларини, ишни ташкил қилиш, ходимлар жамоасига етакчилик қилишни билиш;

- соҳада рақобатдошликни таъминлашга қаратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

- лойиҳалар, бизнес-режалар ва шартномаларни шакллантириш ҳамда бошқариш, ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- бизнес юритишнинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларини баҳолаш, янги бозор имкониятларини аниқлаш ва янги бизнес моделларини шакллантиришни билиш;

- учиш аппаратларини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, синаш таъмирлаш бўйича рационал технология ва технологик жараёнларни, жиҳозларни танлаш, намунавий технологик хариталарни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- учиш аппаратларини ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини ташкил этишда технологик жараёнларни бажариш ва ўзлаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали усуллари танлаш ва қўллаш қобилиятига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 629.7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.49

Таянч сўзлар:

Касбий фаолият тури, таълим йўналиши, касбий фаолият соҳаси, ўқув режаси, фан дастури, бакалавриат, ўқув жараёни, лойиҳавий-конструкторлик фаолияти, илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш-технологик, ташкилий-бошқарув, малакавий амалиёт, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоки, олий ўқув муассаси, таълим жараёни, авиация инжиниринги, учиш аппаратлари, самолёт, ишлаб чиқариш, конструкцион материаллар, авиация двигателлари, агрегат, узел, конструкция, лойиҳалаш, конструкциялаш, ишлов бериш асбоблари, дастгохлар, мосламалар, йиғиш, автоматик лойиҳалаш тизими, замонавий технологиялар, мустаҳкамлаш технологияси, йиғув мосламалар, йиғиш усуллари, учиш аппаратларини синаш, сертификация.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов



КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги

Вазир ўринбосари  А.Муминов

202__ йил <__>__
М.Ў.




Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.  М.Эсонов

202__ йил <__>__
М.Ў.




“Чирчиқ авиация таъмирлаш заводи”
Давлат корхонаси

Директор  А.У.Сувонов

202__ йил <__>__
М.Ў.



И.Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети

Ректор  С.Турабджанов

202__ йил <__>__
М.Ў.

